

ОЙ КЎРИШГА ОИД ҲУКМЛАР

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Шайх Саидахмад Самарқандий



Мухаррир: Абу Абдуллох Шоший

أحكام تتعلق برؤية هلال رمضان

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]



الشيخ سعيد أحمد السمرقندي



مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

1. Шаъбон ойининг кунларини ҳисоблаб бориш:

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Рамазон ойи учун шаъбон ойини санаб боринглар”¹. Шаъбон ойининг кунларини санаб боришнинг сабаби ойнинг йигирма тўққиз ёки ўттиз кун бўлишидир.

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шаъбон ойи кунларининг саноғига алоҳида эътибор қаратиб, бошқа ойларга нисбатан бу ойда ҳушёр турар эдилар. Сўнг рамазон ойи кўриниши билан рўза тутиб бошлар, борди-ю, ой кўринмай қолса, (шаъбонни) ўттиз кун тўлдириб, сўнг рўза тутишни бошлардилар”².

2. Ой кўришдаги мўътабар восита – уни кўз билан кўришдир:

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: “Биз ёзиш ва ҳисобни билмайдиган саводсиз умматмиз.

¹ Саҳиҳ. Термизий (687) ва Ҳоким (1/425) ривоят қилишган. Ҳадисни Ҳоким ва Суютий саҳиҳ деган бўлса, Албоний “Саҳиҳул жомеъ” (198) китобида ҳасан деган.

² Саҳиҳ. Абу Довуд (2325), Аҳмад (6/149) ва Ибн Ҳиббон (3444) ривоят қилишган.

Ой мана бундай ва мана бундай, яъни йигирма тўққиз ёки ўттиз кун бўлади”³.

Ҳадисдаги ҳисобни билмасликдан мақсад “биз ойнанинг кўринишини фалакшуносликка оид ҳисоб-китоблар билан исботламай, балки бирон ишончли мусулмон кишининг кўз билан кўришидан иборат бўлган шаръий йўл билан исботлаймиз”, дейилмоқчи. Дарҳақиқат, Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Ойни кўриб рўза тутингиз ва ойна кўриб рўзани тугатингиз. Борди-ю, ой кўриш имкони бўлмаса, (шаъбонни) ўттиз кун қилиб тўлдингиз”⁴.

Нававий роҳимахуллоҳ айтади: “Мунажжимнинг ҳисоб-китобидан келиб чиқиб унинг ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам рўза вожиб бўлмайди”⁵.

Ибн Таймия роҳимахуллоҳ айтади: “Ислом динида барчага маълум бўлган нарса шуки, рамазон рўзаси, ҳаж, идда, ийло ва бошқа ой кўришга тааллуқли ҳукмларда ҳисобчи (мунажжим)нинг “ой кўринади ёки кўринмайди” деган гапига таяниб амал қилиш жоиз эмас. Бу тўғрида Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ривоят қилинган ҳадислар талайгина”⁶.

Бу хусусда, яъни ой кўришни исботлашнинг шаръий воситаси уни кўз билан кўриш эканида

³ Бухорий (1913), Муслим (1080), Абу Довуд (2319), Насойй (4/139) ва Аҳмад (4997) ривоят қилишган.

⁴ Бухорий (1909), Муслим (1081), Термизий (688) ва Насойй (4/133) ривоят қилишган.

⁵ “Равзотут-толибийн” (2/347).

⁶ “Мажмуул-фатово” (25/132).

осмоннинг очик, булутли ёки чанг-тўзонли бўлишининг фарқи йўқдир.

3. Ой кўришда эътиборга олинган гувоҳлар сони:

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Одамлар ой кўринармикан дея ойни кузатдилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ойни кўрганимни айтдим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутишни бошладилар ва одамларни ҳам рўза тутишга буюрдилар”⁷.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Ойни кўриб рўза тутинглар, ойни кўриб рўзани очинглар ва рамазон рўзасини тутиб Аллоҳга тоатибодат қилинглар. Борди-ю, ой кўриш имкони бўлмаса, у ҳолда шабонни ўттиз кун қилиб тўлдиринглар. Икки кишининг гувоҳлиги билан рўза тутинглар ва рўзани очинглар”. Имом Аҳмад келтирган бир ривоятда эса “Икки мусулмон кишининг гувоҳлиги билан”⁸, дейилди.

Ибн Абдулбар роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Уламолар шаввол ойининг ҳилоли чикқани хусусида камида икки ишончли эркак гувоҳлиги қабул қилинишига ижмо қилганлар. Рамазон ойининг ҳилоли ҳақида

⁷ Саҳиҳ. Абу Довуд (2342) ва Ҳоким (1/423) ривоят қилишган. Ҳадисни Ҳоким саҳиҳ деган ва Заҳабий бу ҳукмда унга қўшилган.

⁸ Саҳиҳ. Имом Аҳмад (5/264) ва Насоий (4/132-133) ривоят қилишган ва Албоний “Ирвоул-ғалил”да (909) саҳиҳ деган.

гувоҳлик берган кишиларнинг сони хусусида уламолар ўртасида ихтилоф бор”⁹.

Бу борада зикр қилинган ихтилоф хулосаси:

- Имом Молик: рамазон ва шаввол ойларида ҳар бирининг ҳилолини кўришда энг камида икки ишончли гувоҳ бўлиши шарт.
- Имом Абу Ҳанифа: рамазон ойи ҳилолини кўриш учун осмонда булут ва чанг-тўзон каби ой кўришга ҳалал берадиган нарса бўлса, у ҳолда биргина ишончли эркакнинг гувоҳлиги kiffoя қилади. Борди-ю, осмон очик бўлса, у ҳолда катта оломон гувоҳлигигина қабул қилинади.
- Имом Шофеий: бу масалада Шофеийнинг сўзи турлича бўлган. Музанийнинг Шофеийдан ривоят қилишича, бу хусусда келган асарга биноан рамазон ойи ҳилоли кўринганини исботлаш учун биргина ишончли эркакнинг гувоҳлиги kiffoя. Шундай бўлсада, эҳтиёт ва қиёс камида икки кишининг гувоҳлиги зарур эканини тақозо қилади. Бувайтий Имом Шофеийдан нақл қилишича, рамазон рўзасини бошлаш ёки тугатиш учун камида икки ҳур ва ишончли мусулмоннинг ҳилол кўргани тўғрисидаги гувоҳлиги лозим бўлади.
- Имом Аҳмад: ким ёлғиз ўзи рамазон ҳилолини кўрса рўза тутишни бошлайди. Агар у ишончли киши бўлса, унинг сўзи билан қолганлар ҳам рўзани бошлайдилар.

Бу борадаги рожиҳ фикр шуки, – валлоҳу аълам – юқорида зикр қилинган “Икки кишининг гувоҳлиги

⁹ “Ат-тамҳид” (14/354).

билан рўза тутинглар”, деган ҳадисга биноан икки ишончли киши гувоҳлиги билангина рўза тутиш бошланади. Энди Ибн Умар розияллоху анхунинг ривоятига келсак, ундан бошқа бири ҳам ҳилолни кўрган бўлишига мумкин. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг “Икки кишининг гувоҳлиги билан рўза тутинглар” деган сўзлари эса айнан мавзуга оид, ихтилофни бартараф этувчи сўздир, валлоху аълам.

4. Ҳилолни бир ўлка аҳолиси кўриб, бошқалар кўрмаса нима бўлади?

Шайх Муҳаммад Солиҳ Усаймийн роҳимаҳуллоҳдан “Бир ўлкада ҳилол кўриниши билан барча мамлакатлардаги мусулмонларга рўза тутиш лозим бўладими?”, деган савол сўралганда у киши шундай жавоб қилган:

Бу масалада уламолар ихтилоф қилишган. Мусулмон ўлкаларидан бирида ҳилол кўрилгани шаръан исбот қилинса, бошқа ўлкалардаги мусулмонлар ҳам рўза тутишни бошлаши вожибми, деган масала.

Баъзи уламоларнинг фикрича, мазкур ҳилол кўриш билан барча ўлкалардаги мусулмонларга рўзани бошлашлари лозим бўлади. Улар бунга куйидаги Аллоҳ таолонинг сўзи ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳадисини далил қилишади: **“Шундай экан, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутати”** [Бақара: 185]. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айта-

дилар: “Агар ҳилолни кўрсангиз рўза тутингизлар”¹⁰. Бу гуруҳ уламоларнинг айтишларича, оят ва ҳадисдаги хитоб барча мусулмонларга тааллуқлидир. Маълумки, мазкур далиллардан ҳар бир инсоннинг алоҳида ўзи ҳилолни кўриши назарда тутилмаган. Негаки, бу имконсиздир. Балки оят ва ҳадисда зикр қилинган ой кўришдан мақсад шаръий нуқтаи назардан рамазон ойининг бошланиши собит бўладиган ой кўриш бўлиб, бу билан барча ўлкаларда рамазон ойи бошланган ҳисобланади.

Бошқа бир гуруҳ уламоларнинг фикрича, ҳилол кўриниши турли жойларда турли вақтларда содир бўлар экан, демак ҳар бир ўлка аҳолиси ўзлари алоҳида ой кўриши лозим бўлади. Борди-ю, ҳилол турли жойларда турли вақтларда кўринмаса, у ҳолда ойни кўрмаганлар ой кўрингани собит бўлган жойдаги одамларга эргашиб, ой кўринганига биноан рўза тутишни бошлашлари лозим. Бу уламолар ҳам айнан олдинги гуруҳ уламолар келтирган далилларни келтиришган. Аллоҳ таоло: **“Шундай экан, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин”** [Бақара: 185] – деган. Маълумки, бундан ҳар бир инсон мустақил равишда ўзи ой кўриши назарда тутилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур оят ва ҳадисларга ой кўринган жойда, аҳолиси ой кўрган ўлкаларда амал қилинади. Бироқ ой кўринмаган мамлакатлардаги мусулмонлар ҳақиқатда ой кўрмаган бўлишлари билан бирга уларга ой кўрган деб ҳукм қилиш ҳам тўғри бўлмайди. Шу боис бошқа ўлкаларда ой кўринишининг

¹⁰ Бухорий (1900), Муслим (1080), Абу Довуд (2320), Насойй (4/134) ва Ибн Можа (1654) ривоят қилишган.

уларга таъсири бўлмай, балки то ўзлари ой кўрмагунларича уларга рўза тутиш вожиб бўлмайди.

Маълумки, рамазон ойида кунлик рўза тутиш вақтлари турли мамлакатларда турлича вақтга тўғри келади. Бу борада уламолар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Рамазон ойи рўзасининг кунлик рўза вақтлари фарқ қилганидек, ой бошланиш вақти ҳам турли мамлакатларда турлича бўлиши керак. Айтайлик, шарқда яшаган одамлар ғарбдаги одамлардан олдин рўзани бошлаб, улардан олдин рўзани тугатдилар. Модомики, кунлик рўза вақтлари ўртасида фарқ бор экан, демак рамазон ойининг бошланиш вақтида ҳам фарқ бўлиши лозим.

Аллоҳ таолонинг: **“Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! Ва то тонг ёруғлиги кеча қоронғулигидан аниқ ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар”** [Бақара: 187], деган сўзи, шунингдек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Агар кеча мана бу (яъни кунчиқар) томондан келиб, мана бу (яъни кунботар) томонга орқа ўгириб кетса ва қуёш ботса, рўзадор оғиз очиш вақтига кирган бўлади”**¹¹, деган сўзлари бир вақтнинг ўзида барча мамлакатлардаги ҳамма мусулмонларга тегишли деб ҳеч кимса айтмайди. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг **“Шундай экан, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин”** [Бақара: 185], деган сўзи ҳамда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **“Ойни**

¹¹ Бухорий (1954), Муслим (1100), Абу Довуд (2352) ва Термизий (698) ривоят қилишган.

кўриб рўза тутинглар, ойни кўриб рўзани очинглар”, деган сўзларида айнан шу гапни айтиш мумкин.

Кўриб турганингиздек, мазкур фикр ўзига яраша қувватли фикр бўлиб, улар келтириб ўтган қиёс – ойлик рўза вақтини кунлик рўза вақтига қиёс қилиш тўғри ва соғлом қиёсдир.

Айрим уламолар бу масала ҳар бир ўлкадаги бошлиқларга ҳавола қилинади, дейишган. Агар улар бирон шаръий далилга таяниб рўза тутишни бошлаш ёки тугатиш ҳақида қарор қилсалар, уларнинг бу қарорига амал қилиш лозим бўлади. Негаки, мазкур масалада мусулмонларнинг бир ўлкада ихтилоф қилиши, ўзаро тарқоқликка бориши асло дуруст эмас.

Бу гуруҳ уламолар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Одамлар рўза тутишни бошлаган кун рўза бошланади, рўзани тугатган кун оғиз очилади”¹², деган ҳадисни далил қилишадилар.

Ушбу масалада юқорида айтиб ўтилгандан бошқа ҳам фикрлар мавжуд бўлиб, уларни мазкур масала хусусидаги ихтилофни нақл қилган уламолар зикр қилишган.

Дарҳақиқат, шайх Албоний роҳимаҳуллоҳ биринчи фикр, яъни бир ўлкада ой кўриниши билан барча ўлкалардаги мусулмонларга рўза тутиш вожиб бўлади, деган фикрни рожиҳ деб билган. Бироқ кейинчалик Шайх Албоний ўз фикрини ўзгартириб, охириги айтиб ўтилган фикр, яъни бир ўлкадаги мусулмонлар

¹² Термизий (697) ривоят қилиб, ҳасан деган. Шайх Албонийнинг “Ас-сахиха” (224) китобига қаранг.

ўртасидаги турли ихтилоф ва тарқоқлик олдини олиш мақсадида бу масалани ҳал қилиш ҳар бир ўлкадаги мусулмонлар раҳбарига ҳавола қилиниши тўғрисидаги фикрга амал қилишни маъқул деб билади¹³.

Масалага оид айрим мулоҳазалар:

1. Астрономик телескоплардан воситасида ой кўриш жоиздир. Бироқ олдин айтиб ўтганимиздек, астрономик ҳисоб-китобларга таяниб рамазон ойининг бошланиши ёки тугашини белгилаш жоиз эмас.

2. Инсон рамазон ойининг бошида бир ўлкада бўлса-ю, сўнг ойнинг ярмида бошқа ўлкага сафар қилса ва рамазон ойини ўша жойда тугатишга тўғри келса, у ҳолда рўза тутиш ёки тутмасликда ўша жойдаги маҳаллий аҳолига эргашади. Бу ҳолатда унинг ўттиз бир кун рўза тутишига тўғри келса ҳам зиёни йўқ, бироқ рўзаси йигирма саккиз кун бўлиб қолса, у ҳолда ҳайит кунидан кейин бир кун рўза тутиб беради.

¹³ Шайх Албонийнинг “Тамомул минна фит-таълиқи ало фикҳис-сунна” (398-бет) китоби, шунингдек, “Доимий Фатво Кўмитаси”нинг 313 сонли фатвосига қаранг. Мазкур кўмитанинг қарорига кўра, мусулмон раҳбарнинг бу масаладаги ҳукми ихтилофга чек қўяди. Агар у бу борадаги фикрлардан бирини ихтиёр қилса, мусулмонларнинг сўзи бир жойдан чиқиши учун одамлар унинг фикрига эргашини лозим бўлади.

